# ИНСОН ва ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz | 2016 йил 20 сентябрь • сешанба № 36 (1032)


## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**15 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.**

Мажлисда шу йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Асосий тадбирлар дастури асосида пухта ҳозирлик кўрилаётгани таъкидланди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузилди.

Сайлов округлари рўйхати сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА**

### *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

**1-Қорақалпоғистон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси, 23-уй.

Сайловчилар сони — 1188763 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

**2-Андижон сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 32-уй.

Сайловчилар сони — 1984247 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

**3-Бухоро сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 3-уй.

Сайловчилар сони — 1265163 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

**4-Жиззах сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази Жиззах вилояти бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 70-уй.

Сайловчилар сони — 844309 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

**5-Навоий сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Фарҳод" маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 58-уй.

Сайловчилар сони — 641380 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

**6-Наманган сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй.

Сайловчилар сони — 1771067 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

**7-Самарқанд сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй.

Сайловчилар сони — 2373738 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

**8-Сирдарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй.

Сайловчилар сони — 529810 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

**9-Сурхондарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-"В" уй.

Сайловчилар сони — 1581214 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

**10-Тошкент вилояти сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент вилояти молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй.

Сайловчилар сони — 1943289 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

**11-Фарғона сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй.

Сайловчилар сони — 2417891 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

**12-Хоразм сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Баркамол авлод" болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 1-уй.

Сайловчилар сони — 1167263 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

**13-Қашқадарё сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй.

Сайловчилар сони — 1984042 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

**14-Тошкент шаҳар сайлов округи**

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй.

Сайловчилар сони — 1742833 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси М.АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 сентябрь

---

**Шукроналик**

## Инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланган юрт

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ Биринчи Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августда навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистон давлат мустақиллиги билан бирга халқ ва мамлакат тарихидаги яна бир янгиликни — собиқ социалистик тузумдан воз кечиб, унинг ўрнига янги демократик тузум, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни эълон қилди. Ана шу янги жамиятни қуриш учун уч йўналишда: сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаислоҳотлар олиб боришни таклиф этди.**



Жумладан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим ўрин тутди.

Бизни ўраб турган барча нарсаларга давлат мулки сифатида қараб ўрганган халқимиз учун бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва фермерлик кўламини кенгайтириш, банк-молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари гўё ҳеч тугамас ва етиб бўлмас ишлардек туюлган бўлса, ана шу қисқа давр ичида муҳим ишлар амалга оширилди, вақтнинг ўзи халқимизнинг бунёдкорлигини исботлади.

Мустақиллик туфайли биз ўзимизни англадик. Истиқлол шарофати билан халқимиз маънавий зуғумлардан озод бўлди, эркин фикрга, миллий тикланишга йўл очилди.

Шу билан бирга бой маънавий меросимиз тикланди. Миллий маданиятимизга, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Аҳмад Фарғоний ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг номи улуғланди. Уларнинг маънавий мероси бугунги кунда кенг ўрганилмоқда.

2 ▶

---


**ШУ сонга хабар!**

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.*

*Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.*

*Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.*

*Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**


---

## Кўплаб дори-дармон ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтидан олинган маълумотларга кўра, давлатимизда ўртача умр кўриш давомийлиги — 73,4 ёш, эркакларда — 71,1 ёш, аёлларда — 75,8 ёш ҳисобланади.**

**Тиббиёт соҳасининг тубдан ислоҳ қилинганлиги ҳамда уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги, соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилганлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг оддийдан тортиб ноёб турдаги дори-дармонлар мавжуд бўлган дорихоналар ҳам туну кун хизматда. Муҳими, бугун кўплаб дори воситалари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакатимизда юздан зиёд фармацевтика корхонаси фаолият юритмоқда. Ўттизга яқин корхонада халқаро сифатни бошқариш тизими жорий этилган. Соҳага йўналтирилаётган чет эл инвестициялари ҳажми йилдан-йилга ортиб, халқимизни сифатли дори билан таъминлаш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**2016 йил 5 январда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуни соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Хабибулла Жалилов билан мазкур соҳада амалга оширилган ислоҳотлар хусусида суҳбатлашдик.**

**— Ҳабибулла ака, аввало, суҳбатимизни давлатимизда фармацевтика соҳаси ривожланишининг ҳуқуқий асослари ҳақида бошласак...**

— Ҳукуматимиз томонидан аҳоли дори таъминотини мунтазам равишда ошириб бориш ва фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши соҳада муҳим янгилик бўлди.

Қонуннинг янги таҳрири амалдаги таҳриридан тубдан фарқ қилиб, бугунги кунда Қонун 17 модда ўрнига 6 боб ва 27 моддадан иборат. Жумладан, Қонуннинг номидан келиб чиққан ҳолда, янги таҳрирдаги Қонун "Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника", деб номланган боб билан тўлдирилганлиги ҳамда дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техниканинг хавфсизлиги, сифати ва самарадорлигини таъминлашга доир нормалар батафсил ёритилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда кенг ишбилармонлик муҳитини яратиш, сифатли, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кенгайтиришга қаратилган масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қонун дори воситалари ва тиббий буюмларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан экспорт қилиш, кўргазма, ярмарка, халқаро форумларда намойиш қилишга рухсат беришни кўзда тутувчи норма билан тўлдирилган.

2 ▶

*Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган атиги 2 та корхона томонидан 20 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда республикамизда 132 та фармацевтика корхоналари фармацевтика ва тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун лицензияга эгадир ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган 2050 номдаги дори воситалари тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилиб, давлат рўйхатига олинган.*



# Инсон шаъни, қадр-қиммати улуғланган юрт

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мустақиллик йилларида Ватанимиз тарихини яратиш ва ўрганиш масалалари партиявий, синфий ёндашувлардан халос этилди. Тарихий воқеалар холислик, ҳаққонийлик, тарихийлик тамойиллари асосида тадқиқ этилди. Диний қадриятларимиз қайта тикланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояси таъминланди.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги ўрни ва аҳамияти тикланди.

1999 йилда Тошкентда "Хотира ва қадрлаш" куни муносабати билан Мустақиллик майдонида "Хотира обидаси", 2005 йилда "Мустақиллик ва эзгулик" монументи, 2000 йилда Юнусобод туманида "Шаҳидлар хотираси" майдони мажмуаси яратилди. Шу юрт дарди билан яшаган фидойи инсонлар хотираси тикланди.



Мамлакатимизда илм-фан ва таълимга алоҳида эътибор берилди ва бу борада ҳуқуқий асос яратилди. 1997 йилда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинганлиги таълим соҳасида муҳим аҳамият касб этди. Истеъдодли ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, чет элда ўқишини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Соғлом авлод учун", "Улуғбек", "Истеъдод" жамғармалари ташкил топди.

Шунингдек, адабиёт, санъат, таълим фан ва маданиятни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшган қизларимизни рағбатлантиришни кўзда тутган Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Мазкур танлов баҳонасида минглаб қизларимиз ўз устида ишлаб, иқтидорини намойиш этмоқда.

Давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини ҳам дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда. Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга қабул қилинганидан эътиборан, кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятида Ўзбекистон фаол иштирок этиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи давлатларидан бири сифатида Ўзбекистон очиқ ва конструктив мулоқот минбари бўлган мазкур ташкилотга ўзининг ташқи сиёсий стратегиясида алоҳида аҳамият беради, унинг ишида фаол қатнашмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ҳуқуқий меъёр ва қоидаларига биноан, 2015 йил 11 июлдан буён Ўзбекистон Республикаси учинчи маротаба раислик қилди. Мамлакатимиз 2004 ва 2010 йилларда ўзининг ШҲТга раислиги доирасида замонамизнинг анъанавий ҳамда янги хавф-хатарларига нисбатан ташкилотга аъзо мамлакатлар сиёсатини мувофиқлаштиришни кучайтиришга доир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Таҳлилчилар томонидан Ўзбекистон ҳамиша ўзининг ШҲТдаги раислигига аниқ ва мувозанатлашган ёндашув билан қараши, мамлакатимиз мазкур ташкилотнинг нуфузини кўтариш мақсадида фаол ҳаракат қилиши таъкидланди.

Халқаро экспертлар ўтган галги Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги доирасида ШҲТнинг нуфузини янада мустаҳкамлаш ва фаолияти ривожланиши йўлида муҳим қадамлар қўйилганлигини эътироф этди. Агар эътибор берсак, барча амалга оширилган ислоҳотлар инсон фаровонлиги учун хизмат қилди. Мустақиллик ўзбек халқини иқтисодий зуғум ва мутеликдан озод этганлигининг гувоҳи бўлдик. Мустақиллик ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклади.

Бу каби бунёдкорликлар ва буюк ўзгаришларнинг меъмори — халқимиз ифтихори ва буюк фарзанди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовдир.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз ери, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларга эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ўз ҳудудимиздаги барча мулк, корхоналар Ўзбекистон тасарруфига олинди, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, ўз тақдирини ва тараққиёт йўлини ўзи белгилаш эркинлигини қўлга киритиб, миллий давлатчиликни тиклаш, ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди.

Мустақиллик ўзбек халқига ўз ери, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларга эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Ўз ҳудудимиздаги барча мулк, корхоналар Ўзбекистон тасарруфига олинди, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, ўз тақдирини ва тараққиёт йўлини ўзи белгилаш эркинлигини қўлга киритиб, миллий давлатчиликни тиклаш, ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди.

Шунингдек, қишлоқ қиёфаси бутунлай ўзгарганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлаш мақсадида энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам тиббиёт соҳаси тубдан ислоҳ қилинди. Қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди, улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик, эрк ва адолат асосчиси ва етакчимиз томонидан асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Биз энди бу ишларни давом эттиришимиз, шу юрт фаровонлиги, тинчлиги, равнақи ва келажаги йўлида фидойилик кўрсатишимиз муҳим вазифага айланади.

**Фируза МУХИТДИНОВА,**
**юридик фанлар доктори**

**Фахр**

# Озод ва обод ватанни асраш —

## муқаддас бурч

**МУСТАҚИЛЛИК туфайли сўз, фикр эркинлигига, ўз она тилимизда катта-кичик минбарларда эмин-эркин сўзлаш ҳуқуқига эга бўлдик. Мустабид тузум кимки ақлли, кимки мустақил фикрли бўлса, айнан ана шундай инсонларни халқ душманлари дея таҳқирлади, қамади, қатағон қилди.**

Халқпарварликни ниқоб қилиб олиб, халқдан қул сифатида фойдаланган, пуч ғоялар асосига қурилган собиқ тузум емирилиб, мустақил Ўзбекистон давлати ташкил бўлганига чорак аср тўлди. Бу аслида тарих олдида қисқа муддат, аммо шу йиллар ичида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Халқимизнинг кўкрагига эрк шабадаси тегди. У ўзлигини англади, қаддини тиклади.

Собиқ иттифоқ ҳудудидан четга чиқмаган, ҳар бир ғоя ва режалар, бунёдкорлик ишлари учун "аллаким"лардан рухсат олишга мажбур бўлган, қўл-оёғи банди, ўз ихтиёридагидек яшай олмаган ўзбек халқи бугун жаҳон минбарларида ўз сўзига, ўз ўрнига эга.

Ёшларимиз дунё ёшлари билан беллашиб, юксак марраларни қўлга киритмоқдалар. Қайси соҳани олмайлик, қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, кундан-кунга юксалиш, янгиланиш жараёнлари рўй бераётганига гувоҳмиз.

Ўн икки йиллик бепул таълим мамлакатимиздаги ҳар бир ўғил-қизнинг келгуси ҳаёти фаровон бўлиши, танлаган йўлидан аниқ мақсад сари одимлаши учун замин бўлмоқда. Муайян касб ёки ҳунарга эга бўлган ёшларимизнинг илмий, ижодий муваффақиятлари, тадбиркорлик, спорт соҳасидаги ютуқлари эътирофга лойиқ. Жорий йилда Бразилияда бўлиб ўтган "Рио — 2016" ёзги олимпиада мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, юртимизга тўртта олтин, иккита кумуш, еттита бронза медални олиб қайтган ўзбек фарзандлари ҳар бир юртдошимиз қалбига чексиз фахр-ифтифор туйғуларини жойлади.



Юртдошларимиз ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши англаган ҳолда эртанги кунга ишонч билан қараб, меҳнат қилмоқдалар. Бугун деҳқон ер эгаси, тадбиркорларимизнинг маҳсулотлари дунё бозорларида харидоргир. Ҳунармандлар, усталар, ўқитувчи-ю тиббиёт ходимлари, барча-барча касб эгалари яратилган шарт-шароитлардан мамнун.

Ўзбекистон фуқаролари дунёда ўзларини энг бахтиёр инсонлар деб ҳисоблаётгани бежиз эмас, албатта. Тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, маҳалла-кўй, элу юрт ўртасидаги қадр-қиммат, миллий урф-одатларимиз, азалий анъаналаримизга бўлган ҳурмат бугунги бахтли ҳаётимизни таъминлашда асос бўлаётган бўлса не ажаб.

Мустақил Ватанимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов белгилаб берган одилона йўлдан адашмай, буюк келажак сари одимлаш, ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсиридан ёш авлодни ҳимоя қилиш, мустақиллигимизни асраб-авайлаш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муқаддас бурчидир.

**Зафарбек ИКРОМОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

Ёшларимиз дунё ёшлари билан беллашиб, юксак марраларни қўлга киритмоқдалар. Қайси соҳани олмайлик, қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, кундан кунга юксалиш, янгиланиш жараёнлари рўй бераётганига гувоҳмиз.

# Кўплаб дори-дармон ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

*Шуниси қувонарлики, бугунги кунда 30 та маҳаллий фармацевтика корхонаси ўз фаолиятига халқаро сифат стандартлари ISO 9001 ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган GMP — Яхши ишлаб чиқариш амалиёти стандартларини жорий этган.*

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини дори воситалари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида орфан дори воситаларини импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилиши тўғрисида янги норма киритилган. Мазкур норманинг киритилиши инсонларни ногиронликка олиб келувчи ёки ҳаётига катта хавф солувчи, кам учрайдиган касалликлар — орфан касалликларга чалинган беморларнинг дори таъминоти яхшиланишига олиб келади.

Қонуннинг яна бир жиҳати аҳолининг дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш, айрим тоифадаги беморларга махсус дори воситаларига йўл очиб бериш, дори воситалари ва тиббий буюмларни дипломатик ва маъмурий-техник ходимлар, дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар, улар билан бирга истиқомат қилувчи оила аъзолари томонидан шахсий мақсадларда қўллаш учун олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш ҳамда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутган **"Дори воситаларини ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш"** тўғрисидаги модда ҳам киритилди.

Қонун дори воситаларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш, ножўя реакцияларни эрта аниқлаш, беморларни огоҳлантириш, уларни дори воситаларининг зарарли ножўя реакцияларидан ҳимоя қилиш мақсадида "Фармакологик назорат", деб номланган модда билан тўлдирилди.

Алоҳида жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган дори воситалари таъминотини белгиловчи бу нормани амалиётга жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 8 июндаги **"Дори воситалари ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори тасдиқланди.

**— Давлатимизда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг рақобатбардошлиги ҳамда корхоналарнинг экспорт салоҳияти ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Жорий йилда ўсимлик хомашёлари асосида дори воситалари ишлаб чиқарувчилар яна 25 тага ортиб, республикада 71 номдаги ўсимлик хомашёлари тайёрланиб, уларни қайта ишлаш асосида тайёр дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг дори воситалари рақобатбардошлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, биргина кўрсаткич, яъни маҳаллий дори воситалари сифат кўрсаткичларини назорат қилишни белгиловчи норматив ҳужжатлар 82,7 фоиз халқаро сифат стандартлари билан уйғунлаштирилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Яъни, бугунги кунда маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг талайгина қисми ривожланган мамлакатларнинг халқаро эътироф этилган фармакопеялари, жумладан, АҚШ, Европа ҳамжамияти давлатлари, Германия фармакопеялари талаблари даражасида стандартлаштирилаётганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Ҳозирда маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ривожланган давлатлар маҳсулотлари билан рақобатлаша олади, уларнинг сифат назорати халқаро стандартлар даражасида стандартлаштирилиб, 30 га яқин хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

**— Айни йўналишда тадбиркорларга яратилган қулайлик ва имтиёзлар қандай?**

— Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, чет эл инвесторларига яратилган қатор қулайликлар сабабли фармацевтика саноати соҳасига чет эл инвесторлари ўз маблағларини ишонч билан киритиб бораётганликлари эътиборга молик. Хусусан, 5 та хорижий корхона ва АҚШ, Европа ҳамдўстлиги мамлакатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон давлатлари хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорликда 21 та қўшма корхона ташкил этилиб, фаолият юритаётганлиги бунинг тасдиғидир.

Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчи корхоналарга бир қатор имтиёзлар яратилган. Жумладан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун ўз эҳтиёжлари мақсадида олиб келинаётган хомашёга қўшимча қиймат солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар белгиланган. Шу билан бирга маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган, эҳтиёжи қондириладиган дори воситаларининг чет эл аналогларига қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёз қўлланилмайди.

2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар мазкур дастурга киритилган бўлиб, уларга ҳам имтиёзлар татбиқ этилган.

**"Инсон ва қонун" мухбири**
**Дилфуза ЭРГАШЕВА суҳбатлашди.**

Ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қўйилган вазифалар ва яратилган имкониятлар натижаси ўлароқ, 2015 йил 106 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ёввойи ҳолда ўсувчи ва маданийлаштирилган 48 турдаги доривор ўсимликлар асосида 159 номдаги дори воситалари ва 59 номдаги биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилди.

Мулоҳаза

# Дарахтлар ҳам йиғлайди

## фақат уни ҳис қила билиш керак





**ЭРТАЛАБ ишга отланиб кўчанинг бошида бироз машина кутиб қолдим. Шу пайт йўлнинг нариги тарафидан бир гуруҳ ўқувчи ўғил-қизлар қий-чув қилиб йўлни кесиб мактаб томонга ўтиб кетишди. Дўстларидан ажралган икки ўспирин йигит эндигина ҳосил туккан дарахтни дастлаб гулларини қоқиб сўнг новдасини қайириб синдираётганига кўзим тушди. Болаларнинг бу ҳаракати менга жуда таъсир қилди. Хаёлимда экилган мурғак дарахт унсиз йиғлаётгандек туюлди. Ўзимни тута олмай болаларнинг қўлидан тутиб четга тортдим, аввал уларга танбеҳ бердим.**

— Нима қилдик, сизга амаки? Жонсиз бир новдани синдирганимизга шунчаликми, — деб қочиб кетишди.

Болаларнинг бу хатти-ҳаракати мени ҳайратга солди. Наҳотки ўсиб келаётган айрим ёшларимизнинг тарбияси шунчалик бузилган бўлса, соғлигимиз посбони, ғамхўри табиатимиз мусаффолиги учун беминнат хизмат қилаётган дарахтларга бағритошлик қилиб уни шафқатсизларча пайҳон қилишаётганини қандай баҳолаш мумкин. Ана шу оқу қорани таниган ўспиринларнинг ота-онаси наҳотки дарахт синдириш гуноҳ эканлигини англатмаган бўлса.

Яқинда журналист Абдуазиз Ҳошимов бир воқеани сўзлаб берди:

— Қўшним билан Наврўз байрами арафасида ўн донадан мевали ва манзарали дарахт кўчатини экдик. Сал ўтмай биз экқан кўчатлар томир олиб гуллади. Хурсанд бўлдик. Бир кун эрталаб туриб кўчага чиқсам, биз эккан дарахт кўчатларининг ярмидан кўпи синдирилиб, суғуриб ташланганини кўрдим. Юрагим оғриди. Қўшнилардан буни ким қилганини аниқладим. Айтишди. Бундай номаъқул иш қилган болаларнинг ота-онасига ҳолатни тушунтирдим.

Бор-йўғи кўчат экибсиз-ку, яхшиям бирор катта иш қилмабсиз. Шу ҳам гап бўлдими? Болада, шўхлик қилиб синдиргандир. Шунга ота гўри қозихонами. Уялмайсизми, арзимас нарса учун кап-катта одам арз қилиб келишга. Боринг-э, деб дарвозани ёпиб кириб кетди. Ҳайкалдек қотиб қолдим. Нима дейишни билмай қуш уясида кўрганини қилади, дегани ростлигига ишонч ҳосил қилдим. Яна бир гап. Театр директори бўлиб ишлаган давримда Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтидан ўттиз дона ноёб каштан дарахти кўчатини олиб келиб, театр атрофига экдик. Буни қаранг-ки, кўчат эккан кунимизнинг эртасига ўттиз дона қимматбаҳо кўчатнинг йигирма донасини ноинсоф кимсалар синдириб, пайҳон қилиб кетибди. Бундай шафқатсизликдан дилим оғриди. Наҳотки, биз инсонлар шунчаликка борсак..?

— Ҳар бир экилган кўчат у хоҳ мевали бўлсин, хоҳ манзарали бўлсин инсоният манфаати учун экилади, — дейди Каттақўрғон ўрмон хўжалигининг собиқ раҳбари, меҳнат фахрийси Эгамберди Шодиев. Дарахтлар инсон фаровонлиги учун хизмат қилади. Улар яхшилик оламининг султони. Мени доимо бир нарса ташвишга солади. Ўрмон хўжалиги раҳбари бўлган давримда корхона ва ташкилотлар юз минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатларига буюртма берарди. Биргина ўрмон хўжалигимиз тарқатган кўчатларнинг ҳеч бўлмаганда эллик фоизи томир отиб, уларнинг умри узайганда эди, бугун ўлкамиз, диёримиз, яшаётган туман ва шаҳарларимиз бугунгидан-да яшил оламга бурканган бўларди. Минг афсуски, бу кўчатларнинг ўн фоизи ҳам кўкариб чиқмади. Одамларнинг эътиборсизлиги туфайли экилган кўчатлар сувсизликдан ёки қаровсизликдан нобуд бўлади.

— Қирқ йил табиатни муҳофаза қилиш бўлимини бошқардим, — дейди меҳнат фахрийси Фарҳод Қўлдошев. Халқимиз табиатни севади, уни кўз қорачиғидек асрайди. Ахир хонадонда ўғил бола туғилса, яхши ният билан ўғлим улғайса, унга атаб иморат қураман, деб терак дарахти экилади. Боғбонларимиз турли хил мевали дарахтларни пайванд қилиб, сархил мевалар етиштиради. Дарахтлар инсон учун кони фойда... Энг муҳими, дарахтлар ҳавони тозалаб, мусаффоликни таъминлайди. Негадир шуни билсак ҳам табиатга хиёнат қиляпмиз, боғ, ўрмонларни пайҳон этамиз. Ахир оғир дамларда жийда, туршак, ёнғоқ, тут дарахтлари халқимизни асраган-ку! Наҳотки шуни унутган бўлсак!

**Азим ҚОДИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


Реклама ўрнида

ASAKA BANK

# Тадбиркорлик ривожи — тараққиёт пойдевори

**МАМЛАКАТИМИЗДА саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг иложи йўқ. Республикамизда бундай лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилаётгани эса муваффақиятлар омили бўлаяпти. Бу жараёнда "Асака" акциядорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиали ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.**

Дарҳақиқат, мазкур филиал кредитларининг салмоқли қисми йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлдирилмоқда. Жумладан, "Integral Invest" масъулияти чекланган жамиятига айланма маблағларни тўлдириш учун имтиёзли шартларда кредит ажратилгач, бу ерда ўрнатилган замонавий технологик линиялар тўлиқ ишга туширилиб, саноат ишлаб чиқариши учун ўта муҳим ва зарурий бўлган глицерин ва саломас ишлаб чиқарилмоқда. Энг асосийси, 90 нафар ишчи ходимнинг иш билан бандлиги таъминланди.

— "Асака" банкида иш жараёни мижозлар талаби ва эҳтиёжига мос равишда йўлга қўйилган, — дейди **"Integral Invest" масъулияти чекланган жамияти директори Унар Есенбаев**. — Бу эса бизга қисқа фурсатда лойиҳамизни амалга оширишга ва бошқа молиявий воситалардан тўлиқ фойдаланишга кенг имконият яратди. Биз "Асака" банки томонидан ишлаб чиқарувчиларни фаол қўллаб-қувватлаётганликлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдириб, ўзаро ҳамкорлигимиз келгусида ҳам давом этишига умид қилиб қоламиз.

Банк филиали томонидан "O'zkitobulgurjisavdo" масъулияти чекланган жамиятига кўрсатилган молиявий кўмак натижасида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки бараварга ортди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодиётимиз муҳим тармоқларидаги иштирокини янада ошириш, уларни оилавий бизнесга жалб этиш ва шу орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларда "Асака" банк ўз сармоялари билан фаол иштирок этиб келмоқда, — дейди **"O'zkitobulgurjisavdo" масъулияти чекланган жамияти директори Раъно Хаитова.** — Банк томонидан республикамизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилиб, шаҳар ва қишлоқларда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Корхонамиз 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, шу кундан бошлаб "Асака" банкида хизмат кўрсатилиб келинади. Илгари корхонамиз республикамизда офсет қоғози ва полиграфия маҳсулотларини импорт қилиш бўйича етакчи корхона бўлиб, давлат ва хусусий полиграфия корхоналарини ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириб келар эдик. 2010 йилда иш фаолиятимиз кўламини кенгайтириш, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида замонавий ускуналар олдик, ишлаб чиқариш қувватларини мукаммал таъмирдан чиқариб, модернизация қилдик. Натижада пахта момиғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз тўлиқ равишда хорижга экспорт қилинмоқда, натижада республикамизга келаётган валюта тушуми ҳажми кўпаймоқда. Бу ишларни амалга оширишда яқин ҳамкоримиз ва кўмакдошимиз бўлган "Асака" банкнинг ҳиссаси беқиёсдир. Мазкур банк кредитлари фаолиятимизни қайта ташкил этишда муҳим омил бўлди. "Асака" банк жамоасининг молиявий хизматларидан, мижозларга самимий муносабати ва беғараз маслаҳатларидан миннатдормиз. Келажакда ушбу молия муассасаси билан яқин ҳамкорлик қилиб, янги-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Банк филиали хизматлар кўламини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга янги хизмат турларини жорий этиш пайида бўлмоқда. Бундан, айниқса, мижозлар мамнун.

— Бизнинг "Sizga Baraka" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Қушбеги мавзесидаги саккизта 5 қаватли ва иккита 9 қаватли уй-жойга хизмат кўрсатади, — дейди **ширкат ижрочи директори**



**Надежда Азарова.** — Биз ўз фаолиятимизни бошлаганимизда уй-жой фонди эски, муаммолар эса беҳисоб эди. Бундан биз ҳам, аҳоли ҳам норози эдик. Бизга барча муаммоларни бир пайтнинг ўзида ва тезкорликда ҳал этиб бўлмайдигандек кўринар эди. Бунинг учун маблағ зарур эдида. Биз узоқ вақт ўйлаб ўтирмасдан молиявий кўмак сўраб республикамиздаги барқарор ва ишончли банклардан бири бўлган "Асака" банкига мурожаат этдик. Банк мутахассислари бизнинг масалани тезкорлик билан кўриб чиқиб, ўзларининг зарурий маслаҳатларини берди ва ижобий қарор қабул қилишди. "Асака" банкдан уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга зарур бўлган қурилиш материаллари олиш учун имтиёзли шартларда кредит олдик. Банк кредити ҳисобига уй-жойларни, электр таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминотини, иситиш тизимини мукаммал таъмирладик, ободонлаштириш ишларини амалга оширдик. "Асака" банк кредити туфайли барча муаммолар ҳал этилди. Муаммолар тезликда ҳал бўлганлигидан биз ҳам, аҳоли ҳам хурсанд. Бизга молиявий ёрдам кўрсатганликлари учун "Асака" банк ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва уларнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Таъкидлаш керакки, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиали бу борадаги лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу кредит сиёсатида ҳам ўз аксини топган. Бундан кўзланган мақсад — мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, сармояларни кредитларга йўналтириш орқали юқори даромадлиликни таъминлашдан иборатдир. Шу боис маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда турли материаллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаоллик кўрсатилмоқда.

Кўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли банкнинг кредит портфели тобора мустаҳкамланиб бораяпти. Пировардида мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, оилавий бизнес ва кичик тадбиркорлик соҳаси вакиллари, экспортчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. 2016 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк филиалининг кредит қўйилмалари ҳажми 127,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Эътиборлиси, кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга 102,0 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредитлар ажратилди ва бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди ва ёш йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Жорий йилда банк филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 140,0 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" банк Автотранспорт филиали мамлакатимиз молия бозорида истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатларига вақтида муносабат билдираётган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, мижозлар ишончини қозониб келмоқда.

**Банк Ахборот хизмати**

Хизматлар лицензияланган.



ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усмонов Анвар Акрамович, Мамадалиев Зайниддин Очилович, Очилов Алижон Мухлисович, Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

**"ИНСОН ВА ҚОНУН"** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Тиражи — 18583.** Буюртма S-7031.

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

**Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.**

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5